

СОТИБ ОЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ

бу ерда Сизни доим хушнудлик билан кутиб оладилар ва замонавий машиналарни тақлиф этадилар

ЎЗБЕКИСТОН автомобили... Бундан беш йил илгари ҳам бу амалга ошмас рўёқ туоларди. Мустақиллик, мамлакатимиз юртбошининг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда бу орзу ҳам ушларди.



«ТИКО»
Қисқа мuddат ичида Асакада Жанубий Корея билан ҳамкорликда «УДЭУавто» қўшма корхонаси барпо этилди. Автомобилсозлик саноатининг энг сўнгги ютуқлари, илгор технологиялари жорий қилинган бу корхона махсулотлари бўлган «Тико», «Дамас» ва «Нексиа» энгил автомобиллари эндиликда республикамиз шаҳарлари ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

лоқ туманларида истиқомат қилаётган фуқаролар экан. Автосалонга уч турдаги автомобил намуналари қўйилган эди. Уларни очиб савдода сотиш қачон бошланганлигини станиция раҳбари Миродил Мирзохидовдан сўрадик.

— Салонимиз 19 августдан буён ишламоқда, — деди у. — Бу кунни халқимиз қатори биз ҳам орзиқиб кутдик. Ахир, ўзининг юртида ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ўта завқли-навақлидир. Очигини айтсам, бу жуда гурурли вазифадир.
— Масъулиятли ҳам бўлса керак?



«DAMAS»
— Нимасини айтасиз, салбатта, масъулият ҳам бор. Бирорта харидор бу ердан ҳафа бўлиб кетмаслиги, машинани харид қилганидан нолмаслиги, аксинча хурсанд бўлиши лозим. Машинани сота бошлаганимизга йигирма кун бўлиб қолди. Барча ишларимиз Оврупо метёрлари даражасида олиб боришмоқда. Ҳатто, автомобиллар сақланиданган омбор ҳам шундай юқсак талабларга жавоб беради. Ҳозирги салон муваққат. Унинг янгиси қуришмоқда. Йил охиригача фойдаланишга топширилади. Шунда савдо хизмати маданияти янада ўқори бўлади.

мобилни сотиб олиши мумкин. Салон жамоаси вилоятимиздан келган харидорларга ҳам бажонудли хизмат кўрсатмоқда. Август ойи охиригача ҳаммаси бўлиб 47 та энгил автомашина сотилди. Уларнинг 17 тасини Тошкент вилоятилик харидорлар сотиб олдилар. Машиналарнинг турида ҳам кескин фарқ йўқ. 19 та «Тико» маркалиси сотилган бўлса, 15 та «Дамас» ўз харидорини топди, «Нексиа»ники эса 13 тага етди. Сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида деярли ўттизта «УДЭУавто» машиналари сотилди. Шундан ўнгаси «Тико», саккизтаси «Дамас» бўлса, ўнгаси «Нексиа» маркалисидир. Машиналарни сотиб олган фуқаролар орасида ҳам вилоятимизда истиқомат қилувчилар анчагина бор.

Энг муҳими салонда харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Машинани сотиб олиш жараёни узоғи билан бир соатга ҳам бормайди. Унинг пули «Асака» ихтисослашган давлат акционер-тижорат банкнинг шу ердаги вилоят филиалига тўланади. Кейинчалик харидорлар учун бошқа қулайликлар ҳам яратилиб борилади, чунончи, автомобиллар учун номерлар ҳам шу ерда берилганидан бўлади.



«NEKSIA»
Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Ҳамкорлик робиталари

НУРХОНА: ЯНГИ УЎҚЛАР

«АББ — Ташкир» — янги ўзбек-герман қўшма корхонаси шундай деб аталади. У замонавий технологиялар даражаси асосида янги Ангрен давлат иссиқлик электростанцияси турбиналари, генераторлари ва бошқа агрегатларга сервис хизмати кўрсатиши учун ташкил этилди.

— Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда йирки халқаро «Осие Браун Бовари» концерни ўзининг шўба «Крафтверке — Берлин Гмох» компанияси тимсолида янги қўшма корхонанинг таъсисчиси бўлдилар, — дейди корхонанинг Ўзбекистон томонидан директор С. Халасьянц. — Қўшма корхонанинг низоом жамғармаси 2,5 миллион доллар бўлиб, унинг 51 фоизи немис томонига, 49 фоизи эса Ўзбекистон томонига тегишлидир.

Германия компанияси ўз улушини асбоб-ускуналар ва технологиялар етказиб бериш қўриғида қўшади. Шунингдек, ўзбек муҳандислари ва техникларини ўқитиш ҳам назарда тутилди.

— Ангрендаги бу янги қўшма корхона бизнинг Ўзбекистонда узоқ мuddатга мўлжалланган ишларимизнинг давомидир, — дейди қўшма корхонанинг Германия томонидан директор У. Хирт. — Бу ҳамкорлик бундан буён кенгайиб боради, деб қатъий ишонамиз. «АББ» Асакадаги автомобиль заводи учун қатор дастгоҳлар етказиб берди. Шу кунда эса биз «Узэлтехснаоат», «Ўзбекнефтьгаз» ва бошқа ташкилотлар билан музокараларни фаол олиб бораёلمиз. Агар бизнинг режаларимиз қўлиб-қувватланса, янги қўшма корхоналар барпо этилиши мумкин. Хозирги вақтда концернимиз 140 мамлакатдаги 1300 дан ортиқ компанияларни бириктириб турипти. Биз серкўш Ўзбекистонда ҳам қўшма корхоналарни қўлайиши учун ҳаракат қиламиз.

Баҳодир Жўраев.

ТАРОЗИЛАР ХОРИЖДАН КЕЛДИ

«ЭЛЕКТРОКИМЕСАНОАТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирйўл цехи жамоаси бу йил анча самарали ишламоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, илгор усуллари қўлланиш туфайли ярим йиллик режа 113 фойз қилиб адо этилди. Июль, август ойларида топшириқ анча ортиги билан адо этилди.

— Цехимиз жамоаси бирлашманинг бир маромда ишлашига ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда, — дейди энг яхши смена раҳбари Н. Бердибоев. — Биз зимманимиздаги вазифанинг масъулиятини доим қилиб тураемиз ва шу туфайли ҳам технология жараёнларини такомиллаштириш устида тинимсиз ишляёмиз.

Темирйўлчилар у соҳада хориж билан ҳам ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, АКШ ва Швейцариядан замонавий тарози асбоб-ускуналари харид қилинди. Улар эски тарозилар ўрнига ўрнатилди. Натيجадда, юкларни вагон билан тортишда нҳоятда аниқликка эришилмоқда. Янги тарозилар тез ишлайди. Қандайдир дақиқаларда унинг электрон мосламаси юк ҳамини белгилаб беради ва ахборот жадвалида қайд қилади.

Дамир ҚОРАБОВЕВ.

ОДАМ ҲАФТА ИЧИДА

• АҚШ ва Ироқ можароси • Президентлар ҳам... касал бўлишади • Ҳукм даҳшатидан қўрқмаган генераллар • Дунёнинг турли бурчакларида •

БУЮРИШ — ОСОН, ОҚИБАТИ — ЁМОН
СўНГИ кунларда АҚШ билан Ироқ ўртасида бўлиб ўтган курашнинг мижозлари бутун жаҳонни хайрон қолдирди. Яқин Шарқдаги вазият чиғалликка учради. Бунга Америка Қўшма Штатлари ҳарбийларининг тўсатдан Ироқ пойтахти — Бағдодга ракеталар ёғдириши сабаб бўлди. Негат? Нима учун президент Билл Клинтон президент Саддам Хусайнни «жазолаш» тўғрисида буйруқ берди?
Буйруқ дарҳол амалга оширилди. Форс кўрғазига сузиб юрган баҳайбат кемалар, Тинч океанидаги Гуам оролларидан ушиб келган «В-52» стратегик оғир самолётлар зудлик билан тайёргарлик ҳолатига келтирилди. Икки кун давомида устмасуст Бағдод атрофида «Томогавк», «АСГ-86В» ракеталари билан зарба берилди. Жами 40 тага яқин «ажал уруғи» учирилди. Иншоотлар, биналар, қурилышлар вайрон этилди, одамлар ҳалок бўлди, қўнчилик жароҳат олди.

Илғидаги бош-бошдоқлар қайтарилишига оз қолди. Сайлов ўлкасига қарор қилинди. Унда Ро Дэ У ғалаба қозонди.

Эндиликда юқоридаги воқеалар суд томонидан давлат тўнтарыши деб баҳоланади. Устига-устак собиқ президентларнинг «Самсунг», «Хендай», «ДЭУ» сингари йирки корпорациялар хўжайинларидан 600 миллион доллар миқдорда пора олганликлари исботланди. Суд «Конун олдида — ҳамма баробар» деган шиор остида ҳукми чиқарди. Чон Ду Хван ўлим жазосига, Ро Дэ У — 22,5 йиллик қамоққа маҳкум этилдилар.

Лекин, кейинги кунларда Жанубий Корея нарийлари, жаҳон ахборот воститалари масаланинг яна бир қалтис томонига эътиборни қарата бошладилар. Улар собиқ президентларга шунчалик оғир жазо бериш адолатданмикин, ахир улар мамлакатни яхши тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқдилар, маълум даражада демократик тамойиллар қарор топган эди, деган далилларни келтира бошладилар. Бундай муаллифларнинг фикрича, айни суд жараёни ва унинг ҳукми Жанубий Кореянинг халқаро нуфузига путур етказиши, дунёдаги бизнесменларнинг ундан илҳосини қайтариши мумкин. Бу гапларда балки жон борди. Бунинг исботи ўлароқ кейинги кунларда Сеул биржаси қалтираб, титроқ оғушида қолмоқда.

Хўш маҳкумлар-чи? Чон Ду Хван ва Ро Дэ У «сини бои бермай», марғур турибдилар. Улар ҳозирги президент Ким Ён Сам бизни афв этади, деб умид қилмоқдалар. Ибтидо бор, интиҳо бор. Ибтидо маълум. Илтиҳоннинг равшанлашишига оз вақт қолди.

ВОКЕАЛАР ТўЛКНИДА
● ЧЕЧЕНИСТОНДА РФ қўшинларини олиб чиқиб кетиш давом этмоқда. Кучи кеча муҳолифатчилар раҳбари З. Яндарбиев ўтиш дивариди ўз ҳукумати-нинг таркибининг эълон қилди.
● Беларусь халқ фронти ҳаракатининг тарафдорлари президент А. Лукашенконинг истеъфог қилиниши талаб қилиб, намойиш ўтказдилар.
● ТУРКИСТОНДА Афғонистон чегарасида уруш ҳаракатлари яна авжи-га чиқди. Тоғли Бадақшон ва Тавилдар худудларида қатта тўқнашулар юз берди.

● ТУРКМЕНИСТОНДА Президент С. Ниязов Францияга сафар қилди.
● ХИТОЙ халқи Мао Цзе Дун вафот этган кунининг 20 йиллиғини қатта тадбирлар билан нишонлади.
● А. ГИТЛЕРНИ Швейцария банклариди пулларини қидириш муваффақиятсиз тугади. «Юнён де Банк Сюкс» корпорацияси бу ерда Гитлернинг ҳисоб-вааракиси борлигини қатъий рад этди.
(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ.)

Пуру бадавлатларимиз

УМР ТАСБЕҲ ЭМАС, ЎГИРИЛСА ТАҚРОР

Таниқли ўзбек зиёлиларидан, ўлкаимизнинг маориф ва маданияти ривожига қатта ҳисса қўшган Аъзамхон Рустамовнинг сўхбатларини олиш, хизмат сафарларида бирга бўлиш насиб этган эмас. Салкам тўқсон йиллик умрини бола тарбиясига бағишлаган бу инсонда ҳамма юқсак маданият ва одоби, хушмуомалалликни ўргансан дерди.

Аъзамхон домла хоҳ уйда, хоҳ ишда еки шаҳардан бошқа жойда бўлсинлар, ҳаммаша оиласи, фарзанду набиралар қамолни ўйлардилар. Уларнинг ўқиши, тарбиясини ҳар соат, ҳар дақиқада кузатиб борди. Яқинда унинг архивидан роппа-роса ўттиз йил муқаддам битилган дастхат чиқди. Мана шу ҳужжатнинг узик Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, жонқур педагог, тиниб-тинчимас жамоатчи Аъзамхон Рустамовнинг ўзига хос самимияти, сўзлаш оҳанги, фарзандлари-га бўлган илқ муносабати-ни аққол кўрсатади.

«Жондан азиз, шакардан лазиз фарзанди қобили Узебекхон! Не-не орзулар билан боқиб-қуриб, тула-тўқис воёга етказиш учун қўлдан келганча ҳисса қўшган ва чекиз шодлиғини шу тантанали ўтиришда чин юрак сўзлари билан ифодалаган адангида, кеча-кундуз икки кўзини Сизга тикиб дуои жонингизни қилаётган меҳрибон ойингиз — ўз номимиздан бугун сизни кирк ўшга тўлган кунингиз билан муборакбод этаймиз...»

Ха, ўша кезларда Ўзбекистон Рустамов куч-қувватга тўлган, маълум ҳаётий тажриба орттирган, ёш шарқшунос олим сифатида кўзга ташланиб қолган эди. У ўрта Осиё дорил-фунунининг шарқшунослик факултетини имтиёзли диплом билан тугаллагач, Ўзбекистон фанлар академияси шарқшунослик олийгоҳининг аспирантурасида ўқийди ва 1954 йил номзодлик диссертациясини ёқлайди.



Истеъдодли ёш мутахассис давлат ишига жалб этилади, масъулиятли лавозимларга тайинланади.

Ўзбекистон Рустамовнинг амалий фаолияти кўп жиҳатдан республикамизнинг ўша даврдаги ташкилоти, Ўзбекистоннинг иложи борица жаҳонга маълум қилиш, ўзбек халқининг бой, ўзига хос тарихи ва маданияти меросини тарғиб этиш билан боғлиқ бўлди. Хизмат юзасидан у чет элларга борди, махсус делегациялар таркибида халқаро анжуманларда иштирок этди. Амалий фаолиятини илм соҳасидаги ишлар билан бирга олиб борди. Хиндистон, Покистон ва бошқа ривожланмаётган чет эл мамлакатларининг тарихи, маданияти, адабиёти билан боғлиқ 3 та монография, ана шу мамлакатларнинг Ўзбекистон билан тарихий, маданият ва илмий алоқаларига оид 50 дан ортиқ таҳлилий ва оммабоғ мақолалар унинг қаламига мансубдир. У биринчи даражали дипломатик маслаҳатчи унвонига сазовор бўлди.

Мана, олти йилдирки, республика аҳамиятга молик шахсий нафақадор. Ҳаётни ҳамон фаол меҳнатсиз таъсир қилишига қаршилик қилади.

Соат МУСАЕВ.

ЮРАК БИЛАН ЎЙНАШИБ БўЛМАЙДИ
ПРЕЗИДЕНТ — биринчи шахс, давлат бошлиғи. Шу боис ҳамма мамлакатда ҳам унинг саломатлиғи билан боғлиқ масалалар ҳаммаша атрофдагиларнинг, қолаверса, бутун халқнинг эътиборидан четда қолмайди. Шу маънода кейинги пайтларда Россия Федерацияси президенти Б. Н. Ёлциннинг соғлиғи ҳақида ҳам миш-мишлар кўпайиб кетди. Биром «тузалмас дардга йилқиланиш» деса, бошқиси «йўқ, ариниған хасталик, асабиллашш юки оғирлик қилган бўлса, ажабмас» деди. Ҳукумат доираларида эса юқоридаги гапларга бирон бир изоҳ берилмади.

Шамол эсмаса, терак қимирламайди, деганлари рост экан. Ҳафта бошида президентнинг ўзи аҳволи хуусида рўй-рост баёнот бериб, мазаси йўқлиғини очик-ойдин тан олди ва операцияга розилик берганилигини айтди. Демак, Президентнинг оғир касал эканлиғи тўғри бўлиб чиқди.

Тажриб қилинишича, операция сентябрь охирида Россия илмий-ишлаб чиқариш кардиология марказида амалга оширилади. Марказ директори, машхур кардиолог, академик Е. Чазовнинг гапларига қараганда, юракка даҳлдор нозик жарроҳлик ишлари фақат шу ерда адо этилади. Бошқа бир муолажа даргоҳи — интервенцион кардиология илмий-амалий маркази директори, профессор Д. Исселия «Президент муваффақиятли операциядан сўнг икки-уч ойдан кейин бемалол фаолият кўрсатиши мумкин», — деди.

РФ конституциясига мувофиқ президент ўз вазифаларини бажаришга оғижлик қилиб қолган тақдирда унинг ваколатлари ҳукумат

Боз устига ҳафта бошида «Вашингтон пост» газетасида босилган ма-

ИЖОД

МАСЪУЛИЯТИ

АЛИШЕР НАВОЙИ котиб Мавлоно Абдусамдга Жомийнинг илк девонларидан бирини ахшиллаб кўчиришга топширди.



Жомий бир неча муддатга сафарга чиқади. У Бардоғ тағанида тургани, азиз дўсти Навоийни соғиниб ва қўмсаб, унга бир ғўзал назм ёзиб жўнатибди (таржумаси):

ВИСОЛ ТОНГИНИ ЁРИТ!

Жомий бир неча муддатга сафарга чиқади. У Бардоғ тағанида тургани, азиз дўсти Навоийни соғиниб ва қўмсаб, унга бир ғўзал назм ёзиб жўнатибди (таржумаси):

— Дажла соҳилида, дўстдан узокда, диёрдан жудоликда, шафақранг кўз ёшидан, кўксимда қонли Дажла пайдо қилдим.

Навоий бу ғазалга татаббуъ боғлаб, ғазал ёзиб, уша заҳоти дўсти ва устози Жомийга жавоб йўллабди (таржумаси):

— Ҳижрон тўни у қуёшдек Фарбада яширинди, ёраб, Шарқ томондан висол тонгини ёрит.

ЭҲТИРОМ

Бир мажлисда фозиллар йиғилган эди. Паҳлавон Муҳаммад шу мажлисда оғир аҳволга тушиб қолганини айтиб қолди.

— Каминга Паҳлавон олам, деб лақаб қўймишлар. Мен бу лақабни ўзимга муносиб, деб билмасмен. Чунки, бу даргоҳ мулозиматиде Муҳаммад Молонийдек паҳлавон бориди. Мен у киши билан кураш тушиб энгмагунча, бу лақабга сазовор бўлишга ҳаққим бўлмас.

Митти ёқутчалар

Муноси сифатида китобат қилинган бу девонни ўз кўли билан тузатиб чиқади ва охирида қуйидаги қитъани ёзиб қўяди (таржумаси):

— Бир хушхат котиб сўзларимни ғўзалар юзидек ҳусни хат билан беади. Бирок, ҳар ерда қалам хатосидиға баъзан бирор нарса тушириб, баъзан эса бир нарса орттириб қолдириди. У менинг сўзларимни қанчалик бузган бўлса, мен унинг хатига ҳам шунчалик қусур етказдим.

Кўринадики, ижодда маъно устунлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим экан!

Бу сўзни эшитган Хусайн Байқаро ва Алишер Навоий хайрат бармоқларини тишладилар. Дедилар:

— Эй, Паҳлавон олам, Муҳаммад Молоний башар жинсидан эмас. У одам суратидаги бир дев. Сиз у билан кураш тушсангиз бўлармиди?

Шу сўз устиде Муҳаммад Молоний кибри келди. Хусайн Байқаро унга деди:

— Паҳлавон оламнинг сен билан кураш тушгиси бор. Нима дейсан?

Муҳаммад Молоний деди:

— У кишининг бундай номақулчилигини кўнгида тутаман. Шунга айтишим лозимки, мен бу кишининг падари бузрукворининг шогирдиман. Бу маҳдум менга маҳдумзода бўладилар.

Мажлисдаги ҳамма кишилар Муҳаммад Молонийга таҳсину офаринлар ўқидилар.



ТАФОВУТ

Навоийнинг энг яқин кишиларидан бири, йирик маданият арбоби, шоир Сайид Хусан Ардашер табиат ҳодисалари ҳақида ҳақур фикр юритар эди. Бир кун, ўтиришлардан биринида ҳозир бўлган фозиллар ўртасида нарсаларнинг бир-биридан фарқлари ҳақида сўз кетди.

Шунда иштирок этганлардан бири қуйидаги байтти ўқидилар:

Лилъ сағасту дегу сағин сағе, Лилъ андар мийн тафовут ҳасте.

Шунда Сайид Хусан Ардашер жуда қойил қилиб, ҳаяжон ва завқ билан деди:

— Бир оқил киши айтибдурки, тош қозон билан лаъзинг иккалови ҳам тошдур. Бирок, ораларида фарқ бор. Тош қозон фақат фойда беради. Унда ширин таомлар пившади ва барча баҳраманд бўлади. Лаълдан эса кишига ҳар турли балолар келади.

МАРҲАМАТ

Бир кун ҳурмати Айюб сирлар кайфидан муст бўлиб ўтирар эди. Шу кеча бир ўғри унинг уйига лаҳм қавлай бошлади. У ер остини қавлаб йўл қилиб чиқди. Айюб бунни қўриб, ҳам индамди. Ўғри кўтарганча мол олиб, бир тугунга тутиб, лаҳмга кирмоқчи бўлган эди, тешик кичкина бўлганидан, унга сиғмади. Унинг қийналиб қолганини қўриб, Айюб ўрнидан турди-да эшикни очиб, унга йўлни кўрсатди.

— Юқинг катта бўлиб кетибди, тешигинг эса кичик. Йўлдан чиқа қол, мана, эшик очик.

Ўғри қанча гумроҳлик кўрсатган бўлса, Айюб унга шунчалик марҳамат кўрсатди.

Бу аҳвол ўғрини оқиб қилиб қўйди. Оғир юк эса қаддини букди. Вужудини бир ўт ёндириб, дард бериб, бундан лоҳувард осмоннинг ҳам иситмаси чиқиб кетди. Бу ранжу маломатдан музтар бўлди, ҳижолат уни хасдек ўртангирди. Айюбнинг яхшилиги, гуноҳини авф этгани тилини лол этди. Марҳаматини юки эса жисмининг беҳол қилди.

Баҳодир ВАЛИЕВ тўллаб, нашрга тайёрлаган.

Футбол

ЯНА ЮТҚАЗИБ ТУРИБ, ЮТИШДИ

Ўз дарвозасидан биринчи бўлиб тўп ўтказиб юбориш, бунинг устига танафусга ютқазиб туриб чиқиш ва пировад натижада ғалабага эришиш осон иш эмас, албатта. Бунинг устига сафарда ўйнаб, бундай вазирани бажариш катта қўл ва маҳорат талаб қилади. Вилотимиз вакиллари — «Дўстлик» мамлакат биринчилигининг 21-турида сафарда «Косонсой» маҳмони бўлишди.

Учрашувнинг ўн биринчи дақиқасидаёқ майдон эгалари ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Ю. Шабанов жамоасини олдинга олиб чиқди. «Дўстлик» ҳар қанча уринмасин биринчи бўлимда вазиятни тенглаштира олмади. Иккинчи бўлимининг 12 дақиқасига келиб Олег Дачев жамоадорлари ҳаракатини поёнига етказиб, ҳисобни тенглаштирди. Муҳлислар «кичкина» деб аркалайдиган, тиниб-тинчимас Владимир Галнов 79-минутда мезбонлар дарвозасига ғалаба келтирган иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. 2:1 ҳисобидаги ютуқ «Дўстлик»ка «Ғалабага ишон», яъни ютқазиб туриб қолиб келган жамоа учун таъсис этилган соврин учун яна бир очко келтирди. Айни чоғда бу ғалаба «Дўстлик»ка «Пахтакор» сингари қўли жамоадан ўзиб, жадвалда бешинчи ўринга кўтарилиш имконини берди.

21-турнинг қолган учрашувариде қуйидаги натижалар кайд этилди: АСК — «Динамо» (Урганч) — 0:1, «Сўғдиёна» — «Нурафшон» — 1:4, «Наврўз» — «Атласчи» — 2:1, «Янгиер» — «Нефтичи» — 2:4, «Динамо» (Самарқанд) — «Машъал» — 3:0.

Шу турнинг «Пахтакор» — «Навбахор», «Трактор» — МХСК учрашуварлари бошқа кунга қолдирилди.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Table with 4 columns: Жамоалар, Ҳисоб, Тўшлар, Очко. Lists 16 teams and their scores.

HAFTALIK TV Toшкент ҳақиқати TV КўРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:30 «Харитона».

СЕШАНБА, 17

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ЧОРШАНБА, 18

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ПАЙШАНБА, 19

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ЖУМА, 20

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ШАНБА, 21

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ПАЙШАНБА, 19

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ЖУМА, 20

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ШАНБА, 21

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ШАНБА, 21

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ЖУМА, 20

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

ШАНБА, 21

6:30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8:00-8:25 «Айбат».

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ TOSHKENT HAQIQATI Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ Матбуотчилар кўчаси, 32. Шлефонлар: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Эълонлар: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.